

САЙЛОВНИ КУЗАТУВЧИЛАР ХАЛҚАРО МИССИЯСИ Ўзбекистон Республикаси – Президент сайлови, 2021 йил 24 октябрь

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ХУЛОСАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТ

ДАСТЛАБКИ ХУЛОСАЛАР

24 октябрда ўтказилган президент сайловлари шунингдек, мамлакатда яқинда амалга оширилган ислохотлар сабабли кўп қутилган турли ижобий ўзгаришлар бўлганлигига қарамай, улар чин маънодаги плюралистик муҳит ярата олганича йўқ. Хусусан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган баъзи эски чекловлар ҳамон ЕХХТнинг мажбуриятларига зид эканлигича қолмоқда. Қуни кеча ўтказилган сайловда бир неча номзодлар рақобатлашди, аммо бу номзодлар ўзаро ёки сайловчилар билан бирор аҳамиятли мунозара кузатилмаган, қолаверса, номзодлар амалдаги президентга эътироз билдиришдан ёки уни танқид қилишдан тийилишган. Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситалари, хусусан Интернет муҳитида анча ижобий ўзгаришлар кузатилганига қарамай, фуқаролар ўз фикрларини эркин ва тўлиқ ифода этишлари назорат остида қолмоқда. Сайловга тайёргарлик жуда синчковлик билан ва самарали олиб борилгани, сайлов қуни осойишталик билан ўтгани диққатга сазовор, бироқ сайлов қуни жиддий процессуал қоидабузарликлар кузатилган; овоз бериш, овозларни санаш ва яқиний жараёнларда сайловнинг муҳим жиҳатларига эътибор берилмаган.

Сўнгги пайтларда бўлган қатор ўзгаришларга қарамай, мамлакат қонунчилик базасида ҳамон бир қанча камчиликлар бўлиб, у ҳамон демократик сайловларнинг халқаро стандартларига ва ЕХХТнинг мажбуриятларига тўлиқ мос келмайди. Охириги йилларда сайловга оид қонунчилик базасида жиддий ислохотлар олиб борилди. Қонунчилик базасида қабул қилинган тузатишлар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХХТ ДИИХБ) бир қатор тавсияларининг ижобий ҳал қилинишига олиб келди. Мамлакат Конституциясида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигига қарамай, улар қонуности ҳужжатлари билан чекланган ва амалиётда қўлланилмаётганлигича қолмоқда.

COVID-19 пандемияси билан боғлиқ муаммоларга қарамай, Марказий сайлов комиссияси (МСК) ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда профессионал ва самарали амалга оширди. Жумладан, илк бор МСК очик мажлислар ўтказиб, қарорларини ўз вақтида эълон қилди, бу билан эса, у сайлов жараёнининг ошқора бўлаётганлигини кўрсатиб берди. Шунингдек, МСК сайлов қунига қадар мамлакат бўйлаб сайловчиларни сайловлар тўғрисида бир неча тилда хабардор қилиш бўйича кенг қўламли кампания ташкил этди. Имконияти чекланган кишиларга сайловларда қулайлик яратиш учун бир қатор тартиб-қоидалар қабул қилинди. 2020 йилдан давлат тизими таркибига кирган, анъанавий тузилма ҳисобланган маҳалла қўмиталарининг сайлов жараёнини ташкил этишдаги марказий ўрни қуйи даражадаги сайлов комиссияларининг мустақил равишда фаолият юритишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур сайловда 21 миллионга яқин сайловчи рўйхатга олинган. Сайловчилар рўйхати кенг жамоатчиликка эълон қилинди. 2019 йилда жорий этилган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) ушбу сайлов учун янгиланиб, янада такомиллаштирилди. Халқаро илғор амалиётга зид равишда, сайлов қуни сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига суд назоратисиз киритилиши мумкин бўлди. Интеллектуал ва психологик имконияти чекланган

шахсларнинг овоз бериш ҳуқуқи бўйича чекловлар сақланиб қолмоқда, бу эса халқаро стандартларга зиддир.

Сайловларда партиялар томонидан кўрсатилган беш номзод, шу жумладан амалдаги президент ҳам иштирок этди; бу номзодларнинг бири аёл киши бўлди. Номзодларни рўйхатга олиш сайланиш учун ўз номзодини қўйиш ҳуқуқига нисбатан, хусусан, сиёсий партиялар номзодларига қўйиладиган ҳаддан ташқари қаттиқ талаблар асосида белгиланди, бу эса ЕХҲТнинг 1990 йилги Копенгаген ҳужжати 7.5-бандига зиддир. Шунингдек, партияларни рўйхатга олиш талаблари ҳам ўта оғир ва эркин қўлланилиши қийин белгиланганлиги сайланиш учун ўз номзодини қўйиш ҳуқуқини ноўрин тарзда чеклайди ва сайлов муҳитини плюрализмлик асосида бўлишига тўсқинлик қилиши баробарида сайловчилар танлаши мумкин бўлган сиёсий танловлар сонини камайтиради. Яқинда иккита партиянинг рўйхатдан ўтиш учун топширган ҳужжатлари улар тегишли талабларга мос эмаслиги учун ҳукумат томонидан рад қилинди.

Тенг ҳуқуқлилиқнинг конституциявий кафолатлари ва яқинда парламентдаги хотин-қизлар сонининг сезиларли даражада ошганлигига қарамай, ижтимоий ва сиёсий соҳада хотин-қизларнинг сони етарли даражада юқори эмас. Хотин-қизлар қўйи даражадаги комиссия аъзоларининг деярли ярмини ташкил этган бўлса-да, раҳбарлик даражасида уларнинг сони унчалик кўп эмас, хусусан, округ сайлов комиссияларининг (ОСК) раислигига фақат эркак кишилар тайинланган. Номзодларнинг бир қатор сайловолди чиқишларида гендер муаммоси тилга олинган, бироқ улар сайловгача бўлган муҳокамаларда у қадар кўзга ташланмади.

Сайлов кампаниялари барча ҳудудларда, шу жумладан Интернетда ҳам анча осойишта ўтди. Президентликка номзодлар сони бешта бўлишига қарамай, сайлов кампаниясида жиддий рақобат муҳити кузатилмади. Номзодлар орасида ва уларнинг фуқаролар билан бевосита мазмунли ва аҳамиятли тортишувлари ҳам сезилмади, шунингдек ҳақиқий сиёсий дебатлар ҳам ташкил этилмаганлиги сайловчилар танловининг чекланишига олиб келди. Сайлов кампанияларида қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар кўтарилди, аммо сайлов кампанияларда бу масалалардан бирортасига юқори даражада эътибор қаратилмади. ДИИХБнинг мажбуриятларига зид равишда, амалдаги президент ва номзодлар орасидаги фарқ кўп ҳолларда аниқ кўрсатиб берилмади, натижада амалдаги президентнинг ўзи эгаллаб турган лавозими унинг сайловолди кампанияларида анча қўл келди.

Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниялари давлат бюджети томонидан молиялаштирилади. Уларни бошқа турдаги манбалар ҳисобидан молиялаштириш тақиқланган, бу эса фуқароларнинг ўз сиёсий қўллаб-қувватловини эркин намоён этиш ҳуқуқини чеклайди ҳамда бу илғор халқаро амалиёт қоидаларига зиддир. Сиёсий кампанияларни молиялаштириш тўғрисидаги ҳособотлар бўйича мажбуриятлар ДИИХБнинг аввалги тавсияларига кўра, янги оралиқ ҳисоботни ва сайловдан кейин тақдим қилинадиган якуний ҳисоботларни ўз ичига олади. Бироқ ҳеч қайси партия оралиқ ҳисоботни нашр қилиш талабини бажармади. Шунингдек, сайлов кампаниялари билан боғлиқ шартномаларнинг очиқ эълон қилинмаслиги ва ҳисоботларнинг ўз вақтида текширилмаслиги сайлов кампанияларни молиялаштиришнинг шаффофлигига путур етказди.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) учун ахборот муҳити яхшиланганлиги маҳаллий ҳукумат органлари фаолияти ва ижтимоий муаммоларни, хусусан Интернет орқали янада танқидий равишда ёритишга йўл очиб берди. Бироқ ДИИХБ Сайловни кузатиш миссиясининг (СКМ) ОАВ бўйича қилган мониторинги юқори давлат мансабдор шахслари ва номзодлар ҳақидаги танқидий хабарларнинг деярли йўқ эканлигини кўрсатиб берди. Номзодларнинг сайловолди кампанияси давомида давлат телеканаллари барча номзодлар ҳақидаги маълумотларни тенг

равишда эфирга беришга ҳаракат қилганига қарамай, муайян даражада назорат остидаги аксарият хусусий оммавий ахборот воситалари амалдаги президент фаолияти ҳақида қолган барча номзодлар ҳақидаги хабарларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам кўпроқ маълумот бериб бордилар. Шунингдек, мониторинг қилинган барча ОАВ ҳозирги президент фаолиятини қўшимча тарзда кенг тарғибот қилдилар. ОАВ учун умумий чеклов мазмунидаги ҳуқуқий база, журналист ва блогерларни вақтинча ҳибсда сақлаш, қўрқитиш ва тазйиқ ўтказиш ҳолатлари ҳамда веб-сайтларни блоклаш бўйича ўрнатилган амалиёт ўзини ўзи цензуралашга олиб келди ва кенг жамоатчиликка очиқ бўлган маълумотлар ва қилинадиган таҳлил ҳажмини янада камайтирди.

Сайловлардаги тортишувли ҳолатларни ҳал қилиш механизми такомиллаштирилиб, ДИИХБнинг аввалги тавсияларига мувофиқ, мунозарали ҳолатларни ҳал қилишнинг параллел усулларига барҳам берилди. Бироқ яқинда қилинган бу ислоҳотлар бу сайловларда ўз аксини топмагандек тасаввур уйғотмоқда, чунки куйи даражадаги сайлов комиссиялари ва судлардан ҳеч қандай шикоятлар келиб тушмади. Сайловчилар томонидан МСКга фақат маълумот тақдим қилиш тўғрисидаги сўровлар келиб тушди холос. ДИИХБ СКМ суҳбатдошларининг сўзларига кўра, жамоатчиликнинг суд тизимида бўлган ишончи пастлигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси кўпмиллатли мамлакат бўлиб, ундаги этник озчилик аҳолининг 16,2% қисмини ташкил қилади. Бу сайловларда мазкур этник озчилик вакилларида номзод иштирок этмади. Президент сайловларидаги ҳеч бир номзод ўз сайлов кампанияларида мамлакатдаги миллатлараро ва элатлараро муносабатларга эътибор қаратмади. Сайлов кампаниялари давомида миллий озчилик вакилларига нисбатан салбий фикр ва камситиш ҳолатлари ҳақида хабар келиб тушмади ва кузатилмади.

Халқаро стандартлар ва ЕХХТ мажбуриятларига зид равишда фуқаролик жамиятларининг фуқароларнинг сайлов жараёнларини кузатишларига йўл қўйилмайди, бу эса сайлов жараёнларининг шаффофлигини ҳамда жамоатчилик назоратини чеклайди. Мамлакат ҳукумати 966 нафар халқаро кузатувчиларини сайловни кузатиш учун аккредитация қилди.

Сайлов куни кузатувчилар ўзлари ташриф буюрган сайлов участкаларининг 11 фоизидаги сайлов жараёнларини салбий баҳоладилар. Сайлов тинч ва тартибли ўтказилиб, унда жами сайловчиларнинг 80,8 фоизи иштирок этди, бироқ унда кўплаб жиддий қонунбузарликлар кузатилган. Хусусан, кўп сонли сайловчилар тегишли тартиблар қўлланилмаган тарзда сайловчилар рўйхатига қўшилган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз ўз сайлов бюллетенларини топшириши ёки бошқалар номидан овоз бериш ҳолатларига йўл қўйилган. Кузатувчилар, шунингдек, бир қанча сайлов участкаларида сайлов қутиларига бир киши томонидан бир нечта бюллетенлар ташланган вазиятларни ҳам қайд этдилар. Кўп ҳолларда овозларни санаш тартиб-қоидаларига риоя қилинмади, сайлов участкаларида эса, натижаларни қайд қилишда номувофиқликлар сабабли, баъзи қийинчиликларга дуч келинди. Ташриф буюрилган округ сайлов комиссияларининг деярли ярмида якуний натижаларни қайд қилиш жараёни салбий баҳоланган. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, сайлов натижалари баённомаларининг баъзилари ОСКнинг расмий қарорисиз ОСК биноларининг ўзида тўлдирилган ёки уларга тузатишлар киритилган.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Дастлабки шарт-шароитлар ва сиёсий жиҳат

23 июль куни МСК президент сайловларини 2021 йил 24 октябрда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди¹. Бу сайловлар амалдаги президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган ривожланиш дастури, кенг сиёсий муҳокамаларда эса, “Янги Ўзбекистон” номи билан танилган стратегия доирасидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар пайтида бўлиб ўтди. Мазкур стратегия COVID-19 пандемиясига қарши кураш ва яқинда қўшни Афғонистонда юз берган беқарорлик даврида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кучли президент тизими амал қилиб, унда давлат раҳбари мажбурий фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилиш воситасида парламент билан қонунчилик ваколатларини биргаликда амалга оширади. Бундан ташқари, президент мамлакат Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, бошқа юқори лавозимдаги мансабдор шахслар ва судьяларни тайинлашда энг муҳим роль ўйнайди.

2019 йилнинг январидан Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон экологик партияси рўйхатдан ўтганидан кейин мамлакатдаги сиёсий муҳитда деярли ўзгаришлар кузатилмади. Рўйхатдан ўтган бешта сиёсий партиянинг ҳар бири Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасида ўз вакиллариغا эга бўлиб, уларнинг ҳар бири президентлик учун ўз номзодларини кўрсатганлар². Ўзбекистон 2020 йилнинг октябрида таркибига киритилган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг сессиясида мамлакат президентининг сўзлаган нутқи баъзи мутахассислар томонидан сиёсий соҳада янада плюралистик ва рақобатга асосланган тизимга ўтилиши йўлидаги кейинги босқич дея баҳоланди³. Шунга қарамай, ҳозирча, партияларнинг бирортаси ҳам ҳозирги президент сиёсатига муҳолиф сифатида кўрилмаяпти ва ҳеч қайси партия унинг президентлик дастуридан жиддий фарқ қилувчи дастурини таклиф қилганича йўқ. Ушбу сайловлар олдида бирорта ҳам янги сиёсий партия рўйхатдан ўтмади. 2021 йили Адлия вазирлиги “Ҳақиқат ва Тараққиёт” социал-демократик партияси ҳамда “Халқ манфаатлари” демократик партиясини партияларни рўйхатдан ўтказиш талабларини бажармагани учун рўйхатдан ўтказмади⁴. Чин рақобат муҳитининг бу каби йўқлиги, боз устига партияни рўйхатдан ўтказиш учун талабларнинг ўта юқорилиги⁵ ҳамда сайловлар жараёнида сиёсий

¹ Конституцияга яқинда киритилган ўзгартиришдан аввал сайлов декабрь ойида ўтказилиши белгиланган эди.

² Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЛДП), “Миллий тикланиш” демократик партияси (МТДП), Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП), “Адолат” социал-демократик партияси (АСДП), Ўзбекистон Экологик партияси (ЭП).

³ Президент келгусида мамлакатда амалга ошириладиган устувор йўналишлар қаторида “...фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз,” – дея айтиб ўтган. (Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашида [нутқи](#), 2021 йил, 21 февраль).

⁴ Адлия вазирлигининг ДИИХБ СКМга хабар беришича, ҳеч қайси партия етарли миқдорда имзо тўпланганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этмаган. “Ҳақиқат ва Тараққиёт” социал-демократик партияси раҳбари Хидирназар Аллақулов ўз партиясини рўйхатдан ўтказиш пайтида кўзда тутилаётган провакация ҳолатлари, унинг оила аъзолари ва партияси аъзоларига жисмоний зарар етказилгани ҳақида ДИИХБ СКМга хабар берган. ДИИХБ СКМ учрашган бошқа янги номзодлар Жаҳонгир Отажонов (“Эрк” демократик партияси) ва Алексей Гаршин (“Озод Ватан”) кўрқитилаётганлигидан шикоят қилишди ва президент сайловларида иштирок этмасликка қарор қилишди.

⁵ “Номзодларни ва партияларни рўйхатга олиш” бўлимига қаранг.

муҳитнинг плюралистик жиҳатдан чалкаш мазмунга эгаллиги ЕХХТнинг 1990 йилги Копенгаген ҳужжати 3- ва 7.6-бандларига зиддир⁶.

2019 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлган сайловларда аёл депутатлар салмоғи икки баробар ортган (16% дан 32% гача) бўлса-да, хотин-қизлар ҳали ҳам ижтимоий ҳаётда етарлича фаол иштирок этмайди⁷. Амалдаги ҳукуматда 24 нафар вазирдан 1 нафари аёл киши холос, барча вилоят раҳбарлари (*ҳокимлар*) эркак кишилардир.

Сайлов тизими ва ҳуқуқий база

Президент бевосита беш йиллик муддатга ягона умуммиллий сайлов округидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз бериш куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинланади. Рўйхатга олинган барча сайловчиларнинг 33 фоизи сайловда иштирок этиши талаби фақат сайловларнинг биринчи турига тегишли. Конституцияда президентликка номзодини қўйиш ваколати муддати кетма-кет икки муддат билан чекланади.

Сайловга оид ҳуқуқий база 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2019 йили қабул қилинган Сайлов кодекси, 1996 йили қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун (СПК), 2004 йилги “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун (СПМК), 1995 йилги Жиноят кодекси ва 1995 йилги “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекс каби ҳужжатларни ўз ичига олади. Мазкур соҳадаги ҳуқуқий базага ислоҳотлар жараёни таъсир кўрсатмай қолмади: 2021 йилда сайловга оид барча қонунлар, жумладан, Конституция ва Сайлов кодексига ўзгартиришлар киритилди⁸.

Бўлаётган ижобий ўзгаришларга қарамай, ҳуқуқий базада бир қатор камчиликлар сақланиб қолмоқда ва улар демократик сайловлар билан боғлиқ халқаро стандартлар ва ЕХХТ мажбуриятларига тўлиқ мос келмайди. Қонунчиликка киритилган сўнги тузатишлар ДИИХБнинг аввалги тавсияларига асосланган бўлиб, улар сайлов кампанияси тадбирларини ташкил қилиш тартибини энгиллаштириш, баъзи давлат хизматчиларининг сайлов кампанияларини тақиқлаши, сайлов кампанияларини молиялаштириш тўғрисидаги оралик ҳисоботларни жорий қилиш, тортишувли ҳолатларни ҳал қилишдаги муқобил йўлларга барҳам бериш кабиларни ўз ичига олади⁹. ДИИХБнинг баъзи аввалги тавсиялари эса

⁶ [1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг](#) 3-бандида, ЕХХТга аъзо мамлакатлар “...сиёсий ташкилотларга нисбатан плюрализмнинг муҳимлигини тан оладилар”, 7.6-бандида эса “...алоҳида шахслар ёки кишилар гуруҳининг тўлиқ эркинлик шароитида ўз партияларини ёки бошқа сиёсий ташкилотларни тузиш ҳуқуқи ҳурмат қилиниши...” таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 1966 йилги [Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга \(ФСХХП\) 1996 йилги 25-умумий изоҳларнинг](#) 4- ва 27-бандларига қаранг.

⁷ 2020 йилги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ўзининг [“Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний изоҳлари”](#)да келтиришича (12- ва 13-бандлар), бу кенгаш ҳамон “аёллар ва эркаклар ўртасидаги нотенглик, жумладан, бандлик, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда давом этаётганидан хавотирда эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у хотин-қизларнинг суд, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларида, айниқса, юқори даражадаги қарорлар қабул қилишда етарли даражада иштирок этмаётганликларидан хавотирда,” – эканини билдирди.

⁸ Сайловлар билан боғлиқ қонунчилик базасидан ташқари, яқинда киритилган ўзгартиришлар, жумладан, коррупцияга қарши курашиш тизими, қонунчилик жараёни, суд тизими, давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли.

⁹ Бошқа ўзгартиришлар қуйи бўғин сайлов комиссиялари таркибини ўзгартириш ва кенгайтириш, хорижда овоз бериш, натижаларни эълон қилиш ва сайлов жараёнининг бошқа техник жиҳатларига тегишли.

этиборсиз қолдирилмоқда. Улар жумласига сайлов ҳуқуқларини чеклаш, мустақил номзодини қўйишга бўлган тартиб-қоидаларнинг етарлича эмаслиги ва сайлов кампанияларига муқобил молиялаштириш манбаларини қўшиш каби таклифларни кўрсатиш мумкин¹⁰. Асосий қонун ҳужжатларида умумий кенг тартибдаги тартиб-қоидалар сақланиб қолмоқда, бу эса МСК томонидан муҳим қўшимча тартибга солиш чоралари кўрилишини талаб этади ва унинг таъсирини оширади¹¹. Бундан ташқари, қонунчиликда айрим ноаниқликлар ва камчиликлар ҳам сақланиб қолмоқда¹².

Конституция билан кафолатланган инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, сўз эркинлиги ва йиғилишлар эркинлиги ҳамон турли қонуности ҳужжатлари билан чеклаб келинмоқда¹³. Қонун ҳужжатларида “экстремизм”га анча кенг изоҳ берилган бўлиб, бунинг оқибатида уни ўзбошимчалик билан изоҳлаш ва қўллаш ҳолатлари учраб турибди¹⁴. Жинойтга оид ва маъмурий қонунчилик ҳужжатларига кўра, қонунларда белгиланган тартибларни бузган ҳолда ташкил қилинган ёки ўтказиладиган ёки рўйхатга олинмаган тинч йиғилишларни тақиқлайди¹⁵. 2021 йил эса Конституцияга киритилган ўзгаришларга кўра, президент сайлови ҳам бошқа кунга кўчирилди¹⁶.

Сайловларни бошқариш

Сайловлар доимий фаолият юритувчи Марказий сайлов комиссияси (МСК), 14 та вақтинчалик округ сайлов комиссияси (ОСК) ва 10761 та вақтинчалик участка сайлов комиссияси (УСК)

¹⁰ [1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг](#) (ҳавола рус тилида) 7.3- ва 7.5-бандларига, ФСХХП нинг 25(b)-моддаси, ФСХХП га 25-яқунловчи изоҳларнинг 15-бандига қаранг. Шунингдек, [1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг](#) (ҳавола рус тилида) 24-бандига ва [2002 йилги Сайлов масалаларида адолатли амалиёт кодексининг](#) 1.1.1.1.d.iii-бандига қаранг, уларда чекловларга риоя қилиш, хусусан, мутаносиблик тамойилига риоя қилиш ҳуқуқига риоя этиш талаб қилади. Яна, [ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг “Сиёсий партияларни бошқариш бўйича қўшма йўриқномаси” \(2-нашрига\)](#)га қаранг.

¹¹ “Сайловларни бошқариш” бўлимига қаранг. Шунингдек, [2002 йилги Адолатли амалиёт кодексининг](#) П.3.3.f-бандига қаранг.

¹² Қонунда, хусусан, номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олишнинг баъзи тартиблари, сайловолди ташвиқотининг шартлари, сайловолди кампаниясини молиялаштириш тўғрисида ҳисобот бериш муддати, сиёсий партиялар номзодлари ва коалицияларини қайтиб олиш тартиби батафсил кўрсатилмаган.

¹³ [2020 йилги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг “Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича яқуний изоҳлари”](#) га, хусусан, ушбу ҳужжатнинг 20, 44, 46, 48 ва 60-бандларидаги асосий эркинликларни ҳуқуқий чеклашни баҳолаш бўйича қаранг. ФСХХП нинг 25-моддасида келтирилишича, «... 25-модда билан химояланган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 19, 21 ва 22 -моддалари билан кафолатланган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши ва ҳурмат қилинишини талаб қилади.» Шу жумладан у яқка тартибда ёки сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотлар орқали сиёсий фаолият билан шуғулланиш эркинлиги, жамоат ишларини муҳофаза қилиш, тинч намойишлар ва йиғилишлар ўтказиш, танқид қилиш ва қаршилик кўрсатиш, сиёсий материалларни нашр этиш эркинлиги, сиёсий ғояларни тарғиб ва ташвиқ қилиш эркинлигини ҳам кўзда тутди. Шунингдек, “*Номзодлар ва партияларни рўйхатга олиш*” бўлимига ҳам қаранг.

¹⁴ Қаранг: [2020 йилги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг “Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича яқуний изоҳлари”](#), ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг “*Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича қўшма йўриқномаси*”.

¹⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 июлдаги 205-сонли “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан оммавий тадбирларни ташкил этиш тегишли рухсатномани талаб қилади. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини бузиш маъмурий жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Жинойт кодекси, 217-модда).

¹⁶ 2021 йил февраль ойида парламент Конституцияга ўзгартириш киритиш орқали сайловларни декабрдан октябрь ойига кўчирди. Конституцияга ўзгартиришлар ҳар бир парламент палатасининг камида учдан икки қисми овоз бериши ёки референдум орқали қабул қилинади.

томонидан ўтказилди¹⁷. МСК ўз фаолиятини қонун билан белгиланган барча муддатларга риоя қилган ҳолда профессионал ва сифатли олиб борди. МСК қарорлари очиқ мажлисларда ошқора қабул қилинди, онлайн режимда трансляция қилинди ва комиссия веб-сайтида дарҳол эълон қилинди, бу эса шаффофликнинг ошишига ёрдам берди. МСК, шунингдек, округ сайлов комиссиялари билан мунтазам равишда видеоконференциялар ўтказиб борди. МСК кенг тартибга солувчи ваколатларга эга бўлиб, у бир қатор қарорлар, шу жумладан, сайлов жараёнининг марказий жиҳатлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилди¹⁸. Овоз бериш материаллари, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш учун, шунингдек, бошқа ускуналар участка сайлов комиссияларига ўз вақтида тақдим этилди¹⁹.

МСК аъзолари Олий Мажлис томонидан вилоят Кенгашларининг тавсиясига кўра сайланади. МСК эса туман Кенгашлари тавсиясига кўра округ сайлов комиссияси (ОСК) аъзоларини тасдиқлайди, ОСК эса, ўз навбатида, асосан, маҳалла кўмиталарининг таклифлари асосида УСК аъзоларини тайинлайди. УСК аъзолари сиёсий партиялар аъзоси бўлиши ёки бирон бир номзоднинг қариндоши бўлиши мумкин эмас. ОСКнинг 266 аъзосидан 39 фоизи (ёки 104 нафари) хотин-қизларни ташкил қилди, бироқ уларнинг ҳеч бири ОСК раислигига тайинланмаган²⁰. 142 044 та участка сайлов комиссияси аъзоларининг тахминан 54 фоизини хотин-қизлар ташкил қилган ва УСКларининг 45 фоизини аёллар бошқарган.

ДИИХБ кузатувчилари ОСКлар очиқ тарзда ишлаётгани, тўлиқ жиҳозлангани ва ходимлар билан таъминланганлигини, шунингдек, сайлов участкалари сайлов кунидан анча олдин сайловга тайёр эканлигини аниқладилар. Бироқ кузатувчилар бутун мамлакат бўйлаб УСКларнинг ташкил этилишида баъзи номувофиқликлар борлиги, хусусан, УСКлари аъзоларини тайинлашда норасмий ва ноаниқ мезонлар қўлланилганлигини қайд этдилар²¹.

Маҳаллий даражада маҳалла кўмиталари сайлов жараёнида марказий аҳамиятга эга бўлдилар. Хусусан, улар УСК номзодларни кўрсатиш ва шакллантириш, сайлов участкалари учун бинолар ташкил этиш, сайловчилар рўйхати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва текшириш, номзодларнинг сайловолди ташвиқот ишларини (кампанияларни) ўтказиш, сайловчиларга сайлов ҳақида тушунтиришлар бериш ва сайловларни кузатиш каби ишларни амалга оширдилар. Сайлов жараёнининг деярли барча босқичларида маҳаллаларнинг кенг

¹⁷ 14 августга қадар округ сайлов комиссиялари, 28 августга қадар эса участка сайлов комиссиялари ташкил этилди, жумладан, касалхоналар, қариялар уйлари, бошқа тиббиёт муассасалари (165), ҳарбий қисмлар ва мактаблар (143), тергов изоляторлари (12) ва қамоқхоналарда (8) 328 та махсус участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Хориждаги сайловчилар учун яна 54 та сайлов участкаси очилди.

¹⁸ МСК ушбу сайловлар бўйича 17 га яқин қарор қабул қилди. Улар, жумладан, сайловолди ташвиқоти, номзодларни рўйхатга олиш, кампанияни молиялаштириш ва ҳисобот бериш билан боғлиқ. 2021 йил июль-август ойларининг ўзида баъзи қоидалар қабул қилинган ёки ўзгартирилган. Қаранг: [2002 йилдаги Адолатли амалиёт кодекси](#)нинг П.3.3.f-банди.

¹⁹ 14-20 октябрь кунлари барча сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ўтказилди. Сайловчилар сайлов бюллетенларини конвертга солиб, муҳрладилар ва улар махсус сейфга жойланди.

²⁰ Наманган ОСКда хотин-қизлар сони энг юқори кўрсаткичга эга бўлган (53 фоиз). Қорақалпоғистон Республикаси (47 фоиз), Андижон ва Фарғона ОСКлари 43 фоизли натижа билан ундан кейинги ўринларни эгаллаган.

²¹ Танлаш мезонларига, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда аъзо бўлишга номзод шахснинг обрў-эътибори, ҳаётий тажрибаси, ишончлилиги, ахлоқий меъёрлари ёки олдинги сайловда тўплаган тажрибаси ҳам киритилган.

иштирок этиши давлат тузилмалари қўйи даражадаги сайлов комиссияларининг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатди²².

Май ойидан август ойигача МСК сайлов тизимининг турли даражалари учун ҳам офлайн, ҳам онлайн тренинглари ўтказди. ДИИХБ СКМ суҳбатдошларининг фикрига кўра, бу ўтказилган тренингларнинг формати, давомийлиги ва ўтказилиш жадвали бир хил бўлмади; бундан ташқари, улар сайлов кунидан анча олдин ўтказилган. Сайлов куни учун МСК батафсил COVID-19 протоколини тайёрлади ва ҳар хил турдаги ногиронлиги бўлган одамларнинг барча сайлов участкаларида овоз беришларини осонлаштириш учун тегишли чораларни кўрди, шу жумладан ногиронларга ўзи танлаган одам ёрдамида овоз бериш имконияти тақдим қилиниб, сайлов участкалари махсус пандуслар ва ногиронлар аравачаси учун мосланган овоз бериш кабиналари, Брайл алифбосидаги сайлов бюллетенлари ва катталаштирувчи ойналар билан таъминланди.

МСК бутун мамлакат бўйлаб ва сайлов кунидан анча олдин сайловчиларнинг сайлов бўйича хабардорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ва кўламли кампанияни турли усулларда олиб борди. МСК сайловчиларга саволлар бериш ва реал режимда жавоб олиш имконияти яратилган телефон ахборот линияси, месенжер ва ижтимоий тармоқлардаги каналларни ишга туширди. Шунингдек, МСК оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда барча сайлов участкаларининг геолокация маълумотлари кўрсатилган интерактив веб-портал ва мобил иловани ишга туширди, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус бот ёрдамида эса, сайловчилар ўзларига энг яқин сайлов участкаларини билиб олишлари мумкин бўлди.

Сайловчиларни рўйхатга олиш

18 ва ундан катта ёшдаги барча фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ва муомалага лаёқатсиз, шу жумладан руҳий ва руҳий-ижтимоий ногирон шахслар сайловда иштирок этмайди. Бу эса ЕХХТ мажбуриятлари ва халқаро стандартларга зиддир²³. Ўзбекистонда доимий ёки вақтинча яшаш учун

²² Маҳаллалар ўзбек анъанавий ижтимоий тузилмаси ҳисобланиб, у фуқаролар кундалик ҳаётининг кўп жабҳаларида иштирок этади. 1999 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга (2013 йилда қайта кўриб чиқилган) мувофиқ, улар, бошқа вазифалар билан бир қаторда, моддий ёрдам ва никоҳ масалалари бўйича маслаҳатлар беради, солиқларни ўз вақтида ундирилишига кўмаклашади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ёрдам беради; ва хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бўйича кафилик беришлари мумкин бўлади. Расмий равишда мустақил орган эканлигига қарамай, 2020 йилда президент ташаббуси билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ислоҳ қилиниши натижасида маҳаллалар амалда янги ташкил этилган, маҳаллаларнинг ҳудудий бўлимларидан иборат марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти тузилмаларига бирлаштирилиб, улар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги таркибига киритилди. ФСХҲПга берилган 25-умумий изоҳларнинг 20-бандида “сайлов жараёнини назорат қилиш ва унинг адолатли, ҳолис ва Пактга мувофиқ қонунларга риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш учун мустақил сайлов органи тузилиши талаб этилади”. МДХнинг 2002 йилги конвенциясига аъзо давлатлар “демократик, эркин ва адолатли, ҳақиқий ва даврий сайловлар ўтказилишини ташкил этиш учун мустақил, ҳолис сайлов органларининг ташкил этилишини таъминлаш” мажбуриятини олдилар. Венеция комиссиясининг [2002 йилги Сайлов масалаларида адолатли амалиёт кодекси](#)нинг II.3.1.b-бандида шундай дейилган: “Бошқарув ҳокимияти сиёсий кучга эга бўлганлардан мустақил равишда фаолият юритиш амалиёти анъанага айланмаган ҳолатларда барча даражаларда – миллий даражадан сайлов участкаси даражасига қадар мустақил, ҳолис сайлов комиссиялари тузилиши зарур”.

²³ Қаранг: БМТнинг 2006 йилги Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 12- ва 29-моддалари. Шунингдек, 2013 йилги Ногиронлар тўғрисидаги конвенция кўмитасининг 4/2011-сонли баёнотонинг 9.4-банди, 29-моддаси “ҳеч қандай оқилона чекловни назарда тутмайди ва ҳар қандай ногиронлар гуруҳи учун истисно қилинишига йўл қўймайди”.

сайловчиларни рўйхатга олишнинг пассив тизими қўлланилади. Сайловда қатнашиш лаёқатига эга фуқаролар мамлакат ФХДЁ органларининг доимий янгиланиб турувчи маълумотлари асосида сайловчилар рўйхатига автоматик равишда қўшилади. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) бир нечта давлат идоралари ва вазирликларнинг турли маълумотлар базаларини умумлаштирган ҳолда ташкил қилинган²⁴. Мазкур сайловлар арафасида реал вақт режимида маълумотларни янгилаш имконини берувчи маълумотларни синхронлаштириш функцияси бу электрон рўйхатни янада такомиллаштиришга олиб келди.

2021 йилнинг март-май ойлари оралиғида СЯЭР турли давлат идоралари, жумладан вазирликлар ва маҳалла қўмиталари томонидан уйма-уй юриб ўтказилган сўров маълумотлари асосида янгиланди. Сайловлардан олдинги дастлабки СЯЭР да 21 266 011 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, улар ҳар бир сайлов участкаси учун сайловчилар рўйхати бўйича тақсимланган. 15 сентябрга келиб, УСКларга ўзларининг сайловчилар рўйхатига электрон тарзда кириш ҳуқуқи берилди ва уларга босқичма-босқич амаллар орқали маълумотларнинг тўғрилигини текшириш масъулияти юкланди. ДИИХБнинг бутун мамлакат бўйлаб кузатувчилари бу жараёнда маҳалла қўмиталари ҳам фаол иштирок этганини хабар қилдилар²⁵. Шунингдек, сайловчилар ўз маълумотларини шахсан ва интернет орқали текшириш ва янгилаш, шунингдек, маълум бир сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг тўлиқ рўйхатини текшириш имкониятига эга бўлдилар²⁶. Шунингдек, унда сайловчиларга ўз сайлов участкасини ўзгартириш имконияти ҳам яратилди²⁷. Сайловдан кейинги беш кун ичида сайловчилар рўйхатини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

ДИИХБнинг аввалги тавсиялари ва энг яхши халқаро амалиётидан фарқли ўлароқ, сайловчилар рўйхатига киритилмаган, лекин СЯЭР рўйхатига киритилган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар сайлов куни тегишли сайлов участкалари томонидан ҳеч бир суд жараёни ва назоратсиз сайловчилар рўйхатига қўшилиши мумкин²⁸. Сайлов жараёнларида потенциал тарзда кўплаб қайдларни киритиш имконини берувчи бу камчиликка қарамай, ДИИХБ СКМ суҳбатдошлари сайловчилар рўйхатининг тўғрилиги ва яхлитлиги ҳақида хавотирланмаётганини билдирдилар.

Номзодларни ва партияларни рўйхатга олиш

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаро мамлакат президенти этиб сайланиши

²⁴ МСК 2019 йил Парламент сайловлари арафасида ишга туширилган СЯЭРни назорат қилади. Мазкур СЯЭР Ахборот технологиялари вазирлиги томонидан бошқарилади ва унга техник хизмат кўрсатилади.

²⁵ ДИИХБнинг баъзи кузатувчилари сайловчилар рўйхатлари уйма-уй юриб текширилган пайтда сайловчилардан сайлов куни овоз бериш нияти бор-йўқлиги қайта-қайта сўралганлигини таъкидладилар. Андижондаги участка сайлов комиссияларидан бири ДИИХБ кузатувчиларига ҳали овоз бермаган сайловчиларга сайлов куни ҳар соатда участка сайлов комиссиялари кўнғироқ қилишини маълум қилди.

²⁶ 15 сентябрдан 9 октябргача УСКларда сайловчилар рўйхатини текшириш ўтказилди. Шундан сўнг сайловчилар рўйхати сайлов участкаларида кенг жамоатчиликка эълон тариқасида осиб қўйилди. Бу рўйхатларга тузатиш киритиш бўйича талаблар 19 октябргача топширилиши мумкин.

²⁷ Сайловчилар ўз яшаш манзилини ўзгартириши ёки сайлов куни одатдаги яшаш жойидан бошқа жойда бўлишини танлаши мумкин. Шундан сўнг, уларнинг қайдлари автоматик равишда одатдаги овоз бериш жойидан кўрсатилган жойга кўчирилади ва улар танлаган янги сайлов участкасига қўшилади. МСК ДИИХБ СКМга 4300 га яқин шундай сўровлар келиб тушганлиги ва улар кўриб чиқилганлиги ҳақида маълумот берди.

²⁸ Сайловчилар шахсларини тасдиқловчи ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида асосий сайловчилар рўйхатининг иловасига қўшиб қўйилиши мумкин. Венеция комиссиясининг 2002 йилги Сайлов масалаларида адолатли амалиёт кодексининг 1.1.2.iv-бандига мувофиқ, “сайлов участкаларида сайлов куни сайловчиларни рўйхатга олишига йўл қўйилмаслиги керак”.

мумкин. Бунда, шахснинг яшаш муддати тўғрисидаги мезон халқаро мажбуриятлар ва стандартларга мос келмайди²⁹. Шунингдек, сайланиш ҳуқуқи суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар, қасддан жиноят содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки диний айблов билан қамалган шахсларга ҳам татбиқ этилмайди. Мустақил номзодларнинг ҳам сайловда қатнашишига йўл қўйилмайди³⁰. Сайлов ҳуқуқига нисбатан бундай ҳаддан ташқари чекловлар халқаро стандартларга зид ҳисобланади.

15 сентябрь куни МСК президентликка номзод сифатида кўрсатилган тўрт нафар эркак ва бир нафар аёл, жами бешта номзодни рўйхатга олди, уларнинг ҳар бири мамлакатда рўйхатга олинган бешта сиёсий партия номидан президентликка номзод сифатида кўйилган. Улар қуйидагилардир: Баҳром Абдуҳалимов (“Адолат” социал-демократик партияси (АСДП)), Алишер Қодиров (“Миллий тикланиш” демократик партияси (МТДП)), Шавкат Мирзиёев (Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЛДП)), Нарзулло Обломуродов. (Ўзбекистон Экологик партияси (ЭП)) ва Мақсуда Ворисова (Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)). Барча номзодлар керакли миқдорда имзо тўпладилар ва илғор халқаро тажрибага кўра, сайловчилар биттадан ортиқ номзодларни қўллаб-қувватлашлари мумкин бўлади³¹.

Сиёсий партияни рўйхатга олиш талаблари мураккаб ва уларни қўллаш мавҳумлигича қолмоқда³². Партияни рўйхатдан ўтказиш учун 50 кишидан иборат муваққат кенгаш тузиш талаб этилади. Бу кенгаш 3 ой ичида 14 та вилоятнинг камида 8 тасида яшовчи фуқаролардан 20000 та имзо тўплаши ва таъсис йиғилиши тасдиқлаган устав ҳужжатлари билан бирга Адлия вазирлигига ариза бериши керак³³. Сайловдан камида етти ой олдин рўйхатдан ўтган партияларгина номзод кўрсатишга ҳақли. Шу тарзда, партияларни рўйхатга олиш ва

²⁹ [ФСХХПга берилган 25-умумий изоҳларнинг](#) 15-бандида “Бошқа тарзда сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар таълим, яшаш жойи ёки келиб чиқиши каби асосиз ёки камситувчи талаблар ёки сиёсий вазлар туфайли сайловда овоз беришдан четлатилмаслиги керак” дейилади. МДХнинг 2002 йилдаги Конвенцияси 2-б-моддасида “Фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ... жинси, тили, дини ёки эътиқоди, сиёсий ёки бошқа қарашлари бўйича ҳеч қандай камситувчи чекловларсиз ишлайди...”. Шунингдек, қаранг: 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген ҳужжатининг 24-бандида, кишилар ҳуқуқини чеклашдаги ҳар қандай чекловлар “қонун нуқтаи назаридан қатъий мутаносиб” бўлиши кераклиги кўрсатилган. Венеция комиссиясининг 2002 йилги Сайлов масалаларида адолатли амалиёт кодексининг 1.1.1.1.d.iii-бандида “Одамнинг сайланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганида мутаносиблик тамойилига риоя қилиниши зарур”, - дейилган.

³⁰ [1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжатининг](#) 7.5-бандида келтирилишича, “иштирокчи давлатлар: фуқароларнинг алоҳида ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотлар вакиллари сифатида, ҳеч қандай камситишсиз сиёсий ёки давлат лавозимлари эришиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар”. ФСХХПга берилган 25-умумий изоҳларнинг (b.) бандида айтилишича, “ҳар бир фуқаро 2-моддада кўрсатилган ҳеч қандай фарқларсиз ва асосиз чекловларсиз: (б) сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва имкониятига эга”.

³¹ 200 мингта имзо керак эди (сайловчиларнинг 1 фоизи). МСК томонидан тақдим этилган имзоларнинг ҳақиқийлигини текшириш бўйича эксперт гуруҳи тузилиб, улар танлама текширувлар ўтказди.

³² “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги қонун, агар партиянинг низоми, мақсадлари ёки усуллари Конституцияга ёки [кўрсатилмаган] қонун ҳужжатларига зид бўлса, рўйхатдан ўтишни рад этиш мумкин. Сиёсий партияларни тартибга солиш бўйича ДИИХБ ва Венеция комиссияси кўрсатмалари “партияни рўйхатга олишдан бош тортиш учун асослар қонунда аниқ кўрсатилиши ва объектив мезонларга асосланиши” ни тавсия қилади.

³³ Адлия вазирлигига ариза бўйича қарор қабул қилиш учун бир ой муддат берилади ва турли сабабларга кўра рўйхатга олишни рад этиши мумкин. Ариза бир ой ичида қайта топширилиши мумкин. Олий суд рўйхатга олишни рад этишни кўриб чиқади. [ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг “Сиёсий партияларни бошқариш бўйича қўшма йўриқномаси” \(2-нашрига\)](#) 88-бандида келтирилишича “Ҳаддан ташқари узок муддатлар партияни рўйхатдан ўтказиш ва сайловда иштирок этиш учун асосиз тўсиқларни ташкил қилади”.

номзодларни кўрсатиш халқаро стандартлар ва ЕХХТ мажбуриятларига зид равишда жамоат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқини асосиз равишда чекламоқда³⁴.

Сайлов кампаниялари муҳити

Сайловолди кампанияси расман 20 сентябрда бошланган ва 22 октябрь куни ярим тунда тугади. Бир кун олдин “Жимлик куни” ва сайлов куни барча номзодлар тегишли қоидаларга риоя қилдилар. COVID-19 пандемияси ва у бўйича олиб борилган чора-тадбирлар сайлов кампаниясига тўсқинлик қилмади.

Сайловолди кампаниялар барча ҳудудларда осойишталик билан ўтказилди ва уларда чин рақобат муҳити кузатилмади. Номзодлар ва уларнинг сайловолди ташвиқотлари ўртасида бевосита бирор аҳамиятга молик ҳолат юз бермади ва номзодлар ўртасида мунозара ўтказиш учун қонунда назарда тутилган имкониятдан фойдаланилмади. Гарчи номзодлар ўз дастурларининг алоҳида жиҳатларини ажратиб кўрсатган бўлсалар-да, амалдаги президент қолган тўртта номзоднинг жиддий қаршилигига дуч келмади ва номзодларнинг ҳеч бири президент сиёсатига эътироз билдирмади ёки уни танқид қилмади.

Сайловолди кампаниялари маҳалла ва туман миқёсида номзодларнинг ишончли вакиллари, вилоят ва туман партияси вакиллари, партия ёшлари фаоллари ёрдамида ўтказилди. Ҳар бир номзод сайловолди ташвиқотига кўмаклашувчи, номзоднинг вакили бўлган ва ҳар бир ҳудудда номзод номидан сайловолди ташвиқотини олиб боровчи кўпи билан 15 нафар ишончли вакилни кўрсатди. Тегишли ишончномалар МСК томонидан рўйхатга олинган; рўйхатга олинган 75 нафар ишончли вакилдан 14 тасини хотин-қизлар ташкил қилди. Ижтимоий тармоқларда ишончли вакиллар ўз ҳудудларидаги энг кўзга кўринган тарғиботчилар сифатида фаолият юритди³⁵.

ДИИХБ СКМ учрашган барча номзодлар ва партия вакиллари сайловолди ташвиқоти учун, жумладан, ташвиқот материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги бепул эфир вақти ва босма нашрлардан фойдаланиш учун тенг шарт-шароитлар яратилганлигини таъкидладилар. Сайловолди ташвиқотининг тури, шакли ва услубига оид муайян қоидалар йўқ бўлса-да, ташвиқот материаллари ўзаро ҳайратланарли даражада ўхшаш бўлди. Ҳар бир партия ҳар хил анъанавий ташвиқот материалларини тарқатди. Барча номзодларнинг суратлари бутун мамлакат бўйлаб билбордларга жойлаштирилди. Шунингдек, шу каби билбордларда амалдаги президент ва унинг фаолияти намоиш қилинган расм ва видеороликлари намоиш қилинди³⁶.

Шунингдек, ёпиқ биноларда асосан номзодларнинг ўзлари иштирокидаги йирикроқ тадбирлар ҳам уюштирилди. Беш номзоднинг ҳар бири ўз тарафдорларининг олдиндан танланган

³⁴ Қаранг: ЕХХТ Копенгаген ҳужжатининг 1.6-банди ва ФСХХПга берилган 25-умумий изоҳларнинг 25-банди. Шунингдек қаранг: 2020 йилги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг [“Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний изоҳлари”](#), хусусан, 50- ва 51-бандлар.

³⁵ ДИИХБ СКМнинг бутун мамлакат бўйлаб ўтказиладиган кампанияларнинг ижтимоий тармоқлардаги мониторинги шуни кўрсатдики, сайловчилар билан учрашувлар асосан ишончли вакиллар (70 фоиз), партиялар вакиллари (18 фоиз) ва номзодлар (12 фоиз) томонидан ўтказилган. ЛДП ва АСДП ишончли вакилларининг фаоллиги юқорида бўлди. ЛДП кўп ташвиқот тадбирларини ўтказди, ундан кейинги ўринларни АСДП, ЭП, МТДП ва ХДП эгаллади.

³⁶ Масалан, ДИИХБ СКМ бундай билбордларни Тошкент вилоятининг Паркент туманида кузатган, унда яқинда Туркманистон Президентининг давлат ташрифидан лавҳалар намоиш қилинган.

аудиториясига мўлжаллаб шундай кампанияларини ўтказдилар³⁷. Кузатув олиб борилган ташвиқот-тарғибот тадбирларида хотин-қизлар ва эркеклар иштироки деярли тенг даражада бўлганига қарамай, маърузачиларнинг аксарияти эркеклар эди³⁸. Аёллар ҳуқуқлари бўйича қанча гапирилганлиги ва муҳокама қилинганлигига қарамай, сайловолди ташвиқотида гендер муаммолари муҳим ўрин тутмади. ДИИХБ СКМнинг узоқ муддатли кузатувчилари фикрича, сайловчилар билан учрашувлар асосан узоқ нутқлар, кампания видео-тақдимотларидан иборат олдиндан ташкиллаштирилган шаклда бўлиб ўтди. Сайлов тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгартиришлардан сўнг, ОСК номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларига ёрдам бериши шарт бўлмай қолди. ДИИХБнинг аввалги тавсиясидан сўнг, агар аввал оммавий кампания тадбирларини ўтказиш учун тегишли рухсат олиш керак бўлган бўлса, ҳозирда маҳаллий ҳокимиликни бу каби тадбирдан уч кун олдин хабардор қилишнинг ўзи етарли бўлди.

Сайловолди ташвиқот платформалари асосан ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш ва қашшоқликни камайтириш, давлат хизматлари, соғлиқни сақлаш, таълим, адлия, экологик тизим, озиқ-овқат хавфсизлиги, ёшлар орасидаги ишсизлик ва янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, узлуксиз электр энергияси ва сув билан таъминлаш масалаларига қаратилган. Сайлов кампанияларида бирор мавзуга жиддий устуворлик берилмади.

ДИИХБ кузатувчилари кузатган сайловолди ташвиқоти тадбирларининг деярли ярмида ногиронлар иштирок этиши учун қулайликлар яратилган эди. Сайловчилар билан бир неча учрашувларда эса имо-ишора тили, жумладан, видеоалоқа усули қўлланилди. Уч нафар номзоднинг ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича йўналишлар эълон қилинган³⁹.

Ҳуқуқий базада қилинган сўнгги ўзгартиришларга кўра, маъмурий ресурслардан ноқонуний фойдаланиш, шу жумладан мансабдор шахсларнинг сайловолди кампанияларда иштирок этиши тақиқланади. Шунга қарамай, маъмурий ресурслардан ноқонуний фойдаланишга қарши кафолатлар ва эгаллаб турган лавозимнинг афзалликларига қарши чоралар ҳамон етарли эмас ва улар иштирокчиларга тенг ҳуқуқларни таъминламайди⁴⁰. Бундан ташқари, қонун алоҳида сўров асосида, давлат идоралари, уюшмалар, корхоналар ва маҳалла кўмиталарининг мавжуд ресурсларидан тарғибот ишлари мақсадида эркин ва чекловсиз равишда фойдаланишга рухсат беради⁴¹. Бунда, тегишли кафолат чораларисиз бу ресурслардан нотўғри фойдаланиш эҳтимоли мавжуд. Президент ўзининг вилоятларга қилган ташрифлари орқали ўзининг сайловолди ташвиқотини расмий вазифалари билан аралаштириб

³⁷ ДИИХБ СКМ бутун мамлакат бўйлаб 86 та сайлов кампанияси тадбирини кузатди. ДИИХБ СКМнинг кузатувларига кўра, мамлакат бўйлаб COVID-19 чораларига риоя қилиш – 46 фоизни, қисман риоя қилиш – 31 фоизни ва умуман риоя қилмаслик – 23 фоизни ташкил қилган.

³⁸ Бутун мамлакат бўйлаб ДИИХБ СКМ кузатувларига кўра, сайлов тадбирлари иштирокчиларининг 47 фоизи аёллар бўлишига қарамай, тадбирларда сўзга чиққанларнинг атиги 28 фоизи аёллар бўлган.

³⁹ ЛДП номзоди ногиронларнинг бандлигини уч баробарга оширишни таклиф қилди. АСДП номзоди ногирон аёлларни қўллаб-қувватлаш ғоясини илгари сурди. ХДП ўзининг сайловолди дастурларида ногиронларни қонунчилик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, уй-жой ва бошқа шу каби соҳаларда қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берди.

⁴⁰ Сайлов кодекси лойиҳасига киритилаётган ўзгаришларда маъмурий ресурслардан ноқонуний фойдаланишга қарши янада кенг қамровли чора-тадбирлар мажмуаси, жумладан, жамоат биноларидан фойдаланишни таъқиқлаш ва мансабдор шахслар томонидан қўл остидаги ходимларидан тарғибот ишларини амалга оширишда фойдаланиш каби бандлар бўлган, лекин улар қабул қилинмаган. Қаранг: 2016 йилги ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг Сайлов жараёнида маъмурий ресурслардан нотўғри фойдаланишнинг олдини олиш ва уларга жавоб бериш бўйича [қўшма йўриқномаси](#).

⁴¹ Бунга номзодларнинг бинолар, жиҳозлар ва жамоат транспортидан бепул фойдаланиши киради. [ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг “Сиёсий партияларни бошқариш бўйича қўшма йўриқномаси”](#) нинг 251-253-бандларига қаранг.

юбориши билан ўз номзодлик лавозимидан анча кенг фойдаланди⁴². Турли билбордларда намоиш қилинган, Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган ёрқин фото ва видеоматериаллар амалдаги президентни кенг тарғиб қилди. ЛДП номзодининг ижтимоий тармоқлардаги барча каналлари президентнинг расмий матбуот хизмати томонидан бошқарилди. Бундай амалиётлар эса, 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген хужжатининг 5.4-бандига зид бўлиб, давлат ва партия фаолияти ўртасидаги чегарани янада мавҳумлаштириб юборди⁴³.

Барча номзодлар рақамли сайловолди кампаниясидан фойдаландилар⁴⁴. Номзодлар ва сиёсий партияларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, асосан, ўз номзодларининг сайловолди дастурларини тарғиб қилишди ва уларнинг сайловчилар билан учрашувлари суратларини эълон қилиб боришди. Аксарият бундай хабарларга бошқаларнинг муносабати у қадар юқори бўлмади ва хабарни ўқиганлар ўртасида муҳокамалар ҳам кузатилмади; қўйилган хабарларда сайловчилар аҳамиятга молик фикр ҳам билдирмади. Умумий ҳолат ўзаро ҳурмат сақланган ҳолда ва бетараф мазмунда бўлди.

Сайлов кампанияларини молиялаштириш

Сайлов кампанияларини молиялаштириш Сайлов кодекси ва “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. МСК қарорларида унинг бошқа тартиб-қоидалари, жумладан, ҳисобот бериш муддатлари ва шакллари белгилаш, сайловолди кампанияси учун ажратилган хайрия маблағларини қайтариш талаблари ҳамда партияларга сайлов билан боғлиқ харажатларни давлат жамғармалари ҳисобидан компенсация тўлаш шарти билан партия маблағлари ҳисобидан олдиндан олиш имконини бериш тартиблари белгиланади.

Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниялари билан боғлиқ барча харажатлари МСК белгилаган миқдорда давлат бюджетидан молиялаштирилади. 2021 йилда сайлов кампаниялари харажатлари учун 15,5 миллиард сўм (1,25 миллион евро) ажратилган бўлиб, номзод кўрсатган бешта сиёсий партиянинг ҳар бири 3,1 миллиард сўмдан (250 740 евро) олган⁴⁵. Сайловдан кейин сайлов кампаниясида сарфланмай қолган маблағлар давлат бюджетига қайтарилади. Сайлов кампанияларини молиялаштириш учун бошқа манбалар, шу жумладан сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг маблағлари, шунингдек, шахсий

⁴² ДИИХБ кузатувчилари президент иштирок этган тадбирларни, жумладан, хавфсизлик, транспорт, намоиш қилиш ва юқори мансабдор шахслар иштирокида муҳим қўшимча моддий-техник таъминоти ҳақида хабар беришди. Бу, хусусан, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Бухоро, Тошкент ва Жиззах вилоятларида мос равишда 28 сентябрь, 29 сентябрь, 7 октябрь, 12 октябрь, 16 октябрь ва 21 октябрь кунлари кузатилган. Қонунга кўра, номзодлар жамоат транспортдан бепул фойдаланишлари мумкин. Амалдаги президент унга президент сифатида берилган самолёт ва вертолётдан фойдаланган.

⁴³ [ЕХХТнинг 1990 йилги Копенгаген хужжатининг 5.4-бандида](#) “давлат ва сиёсий партиялар ўртасидаги чегара аниқ белгиланиши кераклиги; хусусан, сиёсий партиялар фаолияти давлатникидан алоҳида бўлиши керак”лиги таъкидланади. Шунингдек, қаранг: [ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг “Сиёсий партияларни бошқариш бўйича қўшма йўриқномаси”](#)

⁴⁴ Сайлов кампанияси бошланганидан бери ДИИХБ СКМ *Telegram* месенжери, YouTube, Facebook ва Instagram ижтимоий тармоқларида номзодлар ва уларнинг сиёсий партияларининг онлайн фаолиятини кузатиб борди. Барча партия каналлари ичида ЛДП хабарлари энг кўп ёқтиришлар ва кўришлар сонига эга бўлди. Ижтимоий тармоқларда бешта номзоднинг иштироки турлича. ХДП номзоди Instagram, Facebook, YouTube ва Telegram каналларида йўқ бўлса-да, ЛДП ва АСДП номзодлари уларнинг барчасида ўз каналига эга. ЛДП номзоди энг кўп обуначилар сонига (Instagram’да 3,6 миллион) эга бўлди, МТДП номзоди эса иккинчи ўринда (Telegram каналида 25 000) эди. ЭП (Instagram, Telegram) ва МТДП (Instagram, Facebook, Telegram) номзодлари ижтимоий тармоқларда фаол иштирок этишди.

⁴⁵ МСК партия номзоди рўйхатга олинган куннинг эртанги иш кунида сиёсий партияларнинг ҳисоб рақамига сайлов кампанияси учун мўлжалланган маблағларни ўтказиб берган.

пул маблағлари ёки натура шаклида хайриялар бериш тақиқланади, бу эса кишиларнинг ўз қўллаб-қувватлаш истагини эркин ифода этиш ҳуқуқларини чеклайди ва бу илғор халқаро амалиётга зид ҳисобланади⁴⁶. Қонуний тақиқларга қарамай, ДИИХБ СКМга маҳаллий ҳокимликлар хусусий компаниялардан сайлов бўйича баъзи бепул хизматлар кўрсатишни сўраганлиги ҳақида хабарлар келиб тушган⁴⁷.

ДИИХБнинг олдинги тавсиясига мувофиқ, партияларга сайлов кампанияларини молиялаштириш бўйича сайлов кунидан беш кун олдин Марказий сайлов комиссиясига янги оралиқ ҳисобот ва сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин 20 кун ичида якуний ҳисоботни топшириш мажбурияти юкланган. Иккала ҳисобот ҳам сайлов кампаниясига сарфланган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши ҳамда сиёсий партиялар веб-сайтларида ва босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак. Бешала партия ҳам ўзларининг оралиқ ҳисоботларини эълон қилиш бўйича талабларини бажармади, қолаверса, МСК ҳам уларнинг топширган ҳисоботлари ҳақида маълумот бермади. Бироқ молиявий ҳисоботлар билан бирга шартнома шартлари ва молиявий ҳужжатларни ошкор қилиш мажбурияти йўқлиги сайлов кампаниясини молиялаштиришнинг шаффофлигига тўсқинлик қилмоқда. Ҳисоб палатаси эса бу фаолият бўйича молиявий аудитни кейинги календарь йилнинг бошида ўтказди. ДИИХБнинг аввалги тавсиясига мувофиқ, аудит натижалари эълон қилинади⁴⁸.

Оммавий ахборот воситалари

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари муҳити кичик, лекин ўсиб бораётган реклама бозорида хусусий ОАВ билан рақобатлашаётган кўплаб давлат оммавий ахборот воситалари билан тавсифланади⁴⁹. ОАВ иқлимнинг такомиллашуви баробарида, айниқса, онлайн ОАВ ва ижтимоий тармоқларда маҳаллий бошқарув органлари ва ижтимоий муаммоларнинг танқидий ёритилишига йўл очилди. Бироқ ДТИХБ СКМ томонидан ўтказилган ОАВ кузатувида ҳукумат амалдорлари ва юқори даражадаги номзодлар тўғрисида танқидий хабарларнинг деярли йўқлиги аниқланди⁵⁰. ДИИХБ суҳбатдошлари миллий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўзларининг матбуот хизматларини ривожлантириш орқали оммавий

⁴⁶ [ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг “Сиёсий партияларни бошқариш бўйича қўшма йўриқномаси”](#) 204-ва 209-бандига (CDL-AD(2020)032, 2-нашр) қаранг, унда “Сиёсий партияларни молиялаштириш – бу сиёсий иштирок шакли ва партиялар шахсий молиявий бадаллар олиш учун мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир” ва “ҳамма одамлар танлаган сиёсий партияни қўллаб-қувватлашини пул ва натура кўринишида эркин ифода этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак”лиги айтилган.

⁴⁷ ДИИХБ СКМга келган хабарга кўра, бутун мамлакат бўйлаб реклама компаниялари ва реклама билбордлари эгалари сайлов кампанияси ва сайловчиларга эслатмалар кўринишидаги хабарларни бепул намойиш қилиш учун ўз ускуналарини бепул тақдим этишлари шарт, бу эса ҳар кунги реклама вақтининг ўртача 15 фоизининг йўқотилишига олиб келди. Бундай ҳолатлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Бухоро, Хива ва Самарқанд вилоятларида кузатилган. Баъзи ҳолларда, “Реклама тўғрисида”ги конунга биноан, бепул реклама кампанияси ижтимоий реклама сифатида қўлланилган.

⁴⁸ Партиялар, шунингдек, Олий Мажлиснинг Қонунчилик Палатаси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасига ҳам йиллик молиявий ҳисобот топширишлари зарур.

⁴⁹ ОАВни тартибга солиш органи берган маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистонда 736 та давлат ва 1180 та хусусий ОАВ вакиллари фаолият кўрсатади. ОАВ соҳасида фаолият кўрсатувчи International Media Service компанияси 2020 йилдаги реклама бозорининг умумий ҳажмини тахминан 42 миллион евро эканлигини [баҳолаган](#) (*ҳавола рус тилида*).

⁵⁰ Номзод А.Қодировнинг ўзбек меҳнат мигрантларига қўшимча солиқлар жорий этиш ғоясининг ёритилиши бошқа номзодлар, оммавий ахборот воситалари ва блогерларнинг жиддий танқидига сабаб бўлди, бироқ бу жуда кам истиснолардан бири. Расмий сайлов кампанияси даврида ДИИХБ СКМ олти та телеканал ва олти та веб-сайтнинг прайм-тайм вақтидаги фаолиятини кузатиб борди. Улар – ТВ: “*O‘zbekiston*” (*давлат*), “*O‘zbekiston24*” (*давлат*), *MY5*, *Sevimli*, *UzReport*, *ZO‘R TV*, веб-сайтлар: *Daryo.uz*, *Gazeta.uz*, *Kun.uz*, *Podrobno.uz*, *Qalampir.uz*, *Repost.uz*.

ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни тизимли равишда яхшилаётганлигини таъкидладилар, шу каби матбуот хизматлари ҳозирда матбуот анжуманларини мунтазам ўтказиб келмоқдалар. Шунга қарамай, баъзи суҳбатдошлар давлат органлари ахборот тақдим қилишда одам танлаши, шунингдек, давлат харажатлари тўғрисида батафсил маълумотларнинг деярли йўқлигидан шикоят қилдилар.

Конституция сўз эркинлигини таъминлайди ва цензурани таъқиқлайди, лекин ОАВ қонуний равишда эълон қилинган маълумотлар, шу жумладан учинчи томон берган маълумотлар ва фойдаланувчиларнинг шарҳлари учун жавобгардир, бунда улар диний мавзуларда материал тайёрлаш учун олдиндан рухсат олишлари шарт⁵¹. Гарчи 2020 йил декабрь ойида Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритилган ва унда тухмат ва ҳақорат учун жазо сифатида қамоқ жазосини бекор қилган бўлса-да, улар халқаро стандартларга зид равишда⁵² жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш билан жазоланувчи жиноят сифатида баҳоланади. Бундан ташқари, президентга тухмат қилиш ва уни ҳақорат қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги хабар Интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинди⁵³. Журналистлар ва блогерлар “фуқароларнинг кадр-қимматини ерга уриш” ва ёлғон маълумотларни тарқатиш, жумладан, оммавий ваҳимага солиш ва хавфли юқумли касалликлар тарқалиши ҳақидаги ёлғон маълумотларни эълон қилиш учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Шундай қилиб, қонунчилик базаси чекловчи характерга эгалигича қолмоқда. Мамлакатда журналистлар ва блогерларни қўрқитиш ва таъқиб қилиш ҳолатлари билан бир қаторда воқеа-ҳодисаларни мустақил ёритиш эркинлиги ҳам чекланган бўлиб, у кенг тарқалган ўзини ўзи цензура қилиш ҳолатларига олиб келади⁵⁴.

2019 йилда маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг бир қатор аввал блокланган веб-сайтларига кириш тикланган бўлса-да,

⁵¹ 13 июль куни блогер Фозилхўжа Арифхўжаев ислом фундаментализми ғояларини қўллаб қувватлагани, кейин эса у бошқа блогернинг мусулмон киши мусулмон бўлмаган кишиларни исломий бўлмаган байрамлар билан табриклаши мумкинлиги ҳақидаги хабарини улашгани учун ҳибсга олиниб, жавобгарликка тортилди.

⁵² ФСХХПга берилган [34-умумий изохларнинг](#) 47-бандида “Иштирокчи-давлатлар тухматни жиноий жавобгарликка тортмаслик масаласини кўриб чиқишлари ва жиноят қонунчилигининг қўлланилишида, фақат энг оғир ҳолатларни истисно қилган ҳолда, бунинг учун қамоқ жазоси ҳеч қачон тегишли жазо эмаслиги ҳисобга олиниши керак”лиги таъкидланади.

⁵³ Жиноят кодексига “кадр-қимматни ерга уриш (ҳақорат қилиш)”нинг аниқ таърифи йўқ ва унга одатда лингвистик таҳлил билан аниқлик киритилади. 2021 йил 19 апрелда Давлат хавфсизлик хизмати блогер Валижон Калановга қарши президентни ҳақорат қилгани учун [жиноий иш очди](#) (ҳавола рус тилида). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фикр ва сўз эркинлиги бўйича махсус маърузачиси ва ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакилининг “[Оммавий ахборот воситалари эркинлигининг долзарб муаммолари](#)” (22-23-бетлар) қўшма баёноти мамлакатни “тухмат учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш”, уни “фуқаролик қонунилари фойдасига ҳал қилиш” ва “жамоат арбоблари учун алоҳида ҳимояни таъминловчи қонуниларни” бекор қилишга чақиради. Мансабдор шахсларга нисбатан айрим ҳаракатлар, жумладан, президентни ҳақорат қилиш учун жазо чоралари кучайтирилди, тухмат билан боғлиқ жиноятлар учун де-факто қамоқ жазоси 3 йилдан 5 йилгача оширилди.

⁵⁴ Хусусан, ноқонуний қурилиш ҳақида ёзган блогер Отабек Сатторий 2021 йилда товламачилик ва тухмат учун 6,5 йилга қамалган. ЛГБТ ҳуқуқлари ҳимоячиси, блогер Миразиз Базаров март ойида қаттиқ қалтакланган ва апрелдан бери уй қамоғига жойлаштирилган, Интернетда ёки шахсан мулоқот қилиш тақиқланган ва тухматда айбланган. Вилоят ҳокимини танқид қилган блогер Дадахон Ҳайдаров 2020 йил август ойида ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинган ва фуқаролар тартибсизликларини уюштиргани учун унга 10 суткалик маъмурий қамоқ жазоси тайинланган, бироқ ОАВ хабарларига кўра, расмий айбловларсиз [кўйиб юборилган](#) (ҳавола рус тилида).

халқаро стандартларга зид равишда⁵⁵, уларнинг кўпларига бутун мамлакат бўйлаб кириш имкони йўқ⁵⁶. ОАВни тартибга солувчи орган ҳисобланган, Президент администрацияси томонидан назорат қилинадиган Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига блокланган веб-сайтлар реестрини юритиш вазифаси юклатилганига қарамай, у маълумотларни очиқ тақдим қилмайди ва ДИИХБ СКМга расмий сўров бўйича ҳам маълумот тақдим этмаган. Бундан ташқари, 2 июлдан бошлаб Twitter, TikTok ва VKontakte ижтимоий тармоқларига, шунингдек Skype ва WeChat каби мессенжерларига кириш чеклаб қўйилди⁵⁷.

Сайлов кодекси фақат сайловолди кампаниялари пайтида ОАВ фаолияти учун умумий тартиб-қоидаларни белгилаб беради. МСКнинг 2021 йил апрель ойида қабул қилинган қарорида бу тартиб-қоидалар янада такомиллаштирилди. Миллий давлат телевидениеси ва газеталари ҳар бир номзодга Миллий телерадиокомпания (МТРК) бешта телеканалнинг ҳар бирида 3,5 соатлик бепул трансляция қилиш ҳамда миллий босма нашрларда ҳар ҳафта нашр учун жой ажратиш орқали ўз мажбуриятини бажарди⁵⁸. МСК ўз қарорида, шунингдек, 13 вилоят телеканали ва 26 вилоят газетасида номзодларга етарлича вақт ва нашр учун жой ажратди.

МСК бешта миллий давлат телеканалидан ҳар шанба куни сайлов кампанияси давомида номзодлар ўртасида дебатларга вақт ажратишни талаб қилди; бироқ бундай дебатлар ўтказилмади, бу эса сайловчилар учун номзодларни жонли эфирда кўриш имкониятидан маҳрум қилди. Сайлов ўтказиладиган ҳафта давомида, номзодларнинг вакиллари олдиндан ёзиб олинган иккита дебатда иштирок этиб, улар кўрсатув модераторининг саволларига бир-бирлари билан жуда оз мулоқот қилган ҳолда жавоб бердилар.

ДИИХБ СКМ томонидан олти асосий телеканал бўйича ўтказган ОАВ мониторинги шуни кўрсатдики, МТРКнинг *O'zbekiston* ва *O'zbekiston24* каналлари барча бешта сиёсий партия ва уларнинг номзодларига, прайм-тайм пайтида 11%-14% вақт ажратган ҳолда, бир хил даражада сиёсий аҳамият беришга ҳаракат қилган ва улар ҳақида асосан ижобий мазмундаги кўрсатувлар эфирга берилган. *MY5*, *Sevimli* ва *UzReport* каби хусусий телеканаллар, ўзларининг қонуний мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда, номзодлар ҳақида ахборот беришда Ш.Мирзиёевнинг фаолиятини кўпроқ ёритишга эътибор қаратишган⁵⁹. Бу айтилган учта телеканалда амалдаги президент ҳақида прайм-таймда кўпроқ ижобий мазмундаги хабарлар эфирга берилди ва мос равишда улардаги бу кўрсатувлар учун эфир вақти 34, 39 ва 93 дақиқани ташкил қилди. Қолган номзодлар учун эса, эфирга берилган кўрсатувларнинг эфир вақти, тўрталасини қўшиб ҳисоблаганда, асосан ижобий мазмундаги янгиликлар эфир вақти 23, 15 ва 70 дақиқани ташкил этди. *ZO'R TV* эса, номзодлар ҳақида ҳақида кўрсатувларни эфирга бериш фикридан воз кечди.

⁵⁵ ФСХХПга берилган [34-умумий изоҳлар](#)нинг 43-бандида “ҳар қандай Интернет-сайтдаги ҳар қандай чекловлар сўз эркинлигига қарши бўлмаслиги” ва “руҳсат этилган чекловлар, одатда, муайян контент билан боғлиқ бўлиши керак”лиги, “баъзи сайтлар ва тизимлар фаолиятини умумий таъқиқлаш сўз эркинлиги тамойилига мос келмайди”, дейилган.

⁵⁶ ДИИХБ СКМ сайлов кампанияси давомида киришнинг имконияти бўлмаган маҳаллий ва халқаро оммавий ахборот воситалари, хизматлар ва инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг 60 дан ортиқ веб-сайтларини аниқлади. Бу веб-сайт бошқарувчиларининг баъзилари ДИИХБ кузатувчиларига Ўзбекистон ҳукумати уларга кириш чекловлари тўғрисида расман хабар бермаганликларини айтдилар.

⁵⁷ 2 июль куни алоқа фаолиятини назорат қилувчи “*UzKomNazorat*” органи 2021 йил январда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришларга [мос келмайдиган](#) бешта ижтимоий тармоққа киришни чеклашни [эълон қилди](#) (*ҳавола рус тилида*). Бу қонунда интернет хизматларидан ўзбекистонлик фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар мамлакат ҳудудидаги серверларда сақланиши шартлиги белгиланган.

⁵⁸ МТРК ҳам 5 та телеканалда, қунига 4 марта, сайлов кампаниясининг ҳар қунида номзодлар ҳақида 30 сониялик видеороликларни намойиш қилди.

⁵⁹ МСК қарорида барча оммавий ахборот воситаларидан номзодлар фаолиятининг тенг ёритилиши талаб этилади.

ДИИХБ СКМ томонидан мониторинг ўтказилган барча онлайн ОАВда жаноб Мирзиёев ҳақида, номзод сифатида бошқа барча номзодларни жамлагандан кўра кўпроқ янгиликлар эълон қилинди. Мониторинг қилинган барча ОАВ Ш.Мирзиёевнинг фаолияти, жумладан, унинг вилоятларга ташрифлари ҳақида кенг маълумот бердилар. МСК қарорига биноан, ўз вазифасини бажараётган номзод фаолиятини ёритиш бу номзоднинг сайловолди кампанияси сифатида баҳоланмайди, бироқ мониторинг қилинган ОАВда унинг расмий ваколатлари ва номзод сифатидаги фаолияти аниқ ажратиб кўрсатилмади.

Шикоятлар ва муурожаатлар

Сайлов жараёнларидаги низолар бўйича қонунчилик базасига яқинда киритилган ўзгартиришлар самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларини янада такомиллаштирди. 2021 йилги Сайлов кодексига киритилган ўзгартиришлар эса, ДИИХБнинг аввалги тавсиясини ҳисобга олган ҳолда, сайлов низоларини ҳал қилишнинг параллел имкониятларини бартараф қилиб, унинг процессуал муддатларни қисқартирди. Бундан ташқари, 2021 йилнинг апрель ойида “Конституциявий суд тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинганидан сўнг, жисмоний ва юридик шахслар, барча бошқа ҳуқуқий воситалар иш бермаган тақдирда, ўз конституциявий ҳуқуқларини бузаётган деб тахмин қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисида ариза билан бевосита Конституциявий судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилди. Шунга кўра, ДИИХБ СКМ суҳбатлашган баъзи шахслар суд органлари ходимларини ўқитиш ва ишга жойлаштириш бўйича эълонлар очиқ чоп қилинаётганлигини қайд этган бўлсалар, бошқалари, айниқса, суд тизимидаги ходимларнинг фаолиятида шаффофлик йўқлиги ва институционал мустақилликка чекловлар қўйилгани, жамоатчиликнинг суд тизимига бўлган ишончи пасайишда давом этаётганлигини таъкидладилар⁶⁰.

Сайлов кодекси барча манфаатдор томонларга сайлов билан боғлиқ шикоятлар беришга рухсат беради. Бироқ Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан сайлов комиссиясининг сайлов натижалари бўйича қарорларига эътироз билдириш ва овозларни қайта санаб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган номзодлар (номзодлар ва сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари) рўйхати чеклаб қўйилди – бу эса, энг яхши халқаро амалиётга зиддир⁶¹. Сайлов комиссиялари, шу жумладан МСК, Сайлов кодекси бузилиши ҳақидаги шикоятларни биринчи навбатда кўриб чиқади ва уларнинг қарорлари суд томонидан кўриб чиқилади. Қонунда шикоятларни бериш муддатига аниқлик киритилмаганлиги ва бу тортишувларнинг чўзилишига олиб келиши мумкинлигига қарамай, сайлов комиссиялари шикоятлар бўйича уч кун ичида қарорлар қабул қилади⁶². Сайлов органларининг ҳаракатлари ёки қарорлари устидан шикоятлар беш кун ичида маъмурий судларга юборилади ва улар уч кун ичида кўриб чиқилади. Қонунда ҳаракатсизликка қарши даъво қилиш бўйича аниқ тартиб-қоидалар

⁶⁰ Президент суд ҳокимиятини шакллантиришда, шу жумладан, 21 нафар аъзодан иборат Судьялар олий кенгашининг 20 нафарини тайинлашда катта таъсирга эга бўлиб, у вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Шунингдек, президент Олий ва Конституциявий судлар судьяларини тайинлайди. Мамлакатда суд раислари ва раис ўринбосарларининг таъсири юқориликча қолмоқда, чунки уларнинг қонун бўйича вазифалари кўлами анча кенг кўламда эканлиги белгилаб қўйилган. Қаранг: [ЕХХТнинг 1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг 5.12-банди ва БМТнинг суд ҳокимияти мустақиллиги бўйича асосий тамойиллари](#).

⁶¹ 2002 йилги [Сайлов масалаларида адолатли амалиёт кодексининг 1.1.1.1.d.iii-бандидаги тавсияга](#) кўра, “Барча номзодлар ва тегишли сайлов округида рўйхатга олинган барча сайловчилар апелляция бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Сайловчилар сайлов натижалари устидан шикоят қилишлари учун оқилона қворум тузилиши мумкин”. Шунингдек қаранг: [1991 йилдаги ЕХХТ Москва ҳужжати](#) 18.2 -банди.

⁶² Истисноларга сайлов кунидан 6 кун олдин, шунингдек, сайлов кун ичида юборилган барча шикоятлар қиради, улар дарҳол кўриб чиқилиши керак. Охириги қоида маъмурий судларга берилган шикоятларга ҳам тегишли.

белгиланмаган. МСК устидан берилган шикоятлар Олий суд юрисдикциясига киради. Сайлов бўйича суд қарорлари фақат битта судья томонидан тезлаштирилган тартибда кўриб чиқилади ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Марказий сайлов комиссиясига фуқаролардан 331 та ариза келиб тушди, уларнинг бирортаси ҳам шикоят деб топилмади. Бу сўровларнинг 213 таси сайловчиларнинг сайлов жараёнининг ташкилий жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларга тааллуқли бўлган⁶³. Сайлов органларининг куйи даражалари ёки суд тизими бўйича ҳеч қандай шикоят келиб тушмаган, буни ДИИХБ СКМнинг баъзи суҳбатдошлари низоларни ҳал қилиш механизмига ишончнинг пастлиги ва ҳақиқий сайлов рақобатининг йўқлиги билан изоҳлашган.

Гарчи судларга берилган шикоятлар манфаатдор шахслар иштирокида очиқ кўриб чиқилиши талаб этилса-да, сайлов комиссияларига берилган шикоятлар бўйича бу талаб амал қилмайди. Шикоятларни кўриб чиқиш учун сайлов комиссияси аъзоларига топшириш мумкин, лекин қарор алоҳида йиғилишда қабул қилинади. Қонунда сайлов комиссиялари шикоятлар журналини юритиши ва ўз қарори ҳақида ариза берувчиларни хабардор қилиши шарт эканлиги белгиланган. Қонунда шикоятлар бўйича қарорларни эълон қилиш талаб этилмайди, бу эса низоларни ҳал этишнинг шаффофлигини пасайтиради.

Этник озчилик вакилларининг иштироки

Ўзбекистон – турли маданий меросга эга мамлакат бўлиб, унда этник озчилик вакиллари жами аҳолининг 16,2 фоизини ташкил қилади. Тожиклар, қozoқлар, руслар ва қорақалпоқлар миллий озчиликларнинг энг йирик вакиллари ҳисобланади⁶⁴. Президент сайловида этник озчилик вакилларида номзод бўлмаган. Номзодларнинг ҳеч бири сайловолди дастурлари ва кампанияларида миллатлараро муносабатларга эътибор қаратмаган. ДИИХБнинг узоқ муддатли кузатувчилари сайловолди ташвиқот материалларининг аксарияти ўзбек тилида бўлганини, бошқа тиллардаги материаллар ҳам айрим ҳудудларда ишлатилганини таъкидладилар. ДИИХБ СКМ кузатган сайлов тадбирларининг аксарияти фақат ўзбек тилида ўтказилди ва уларнинг баъзилари озчилик тилларда: рус, қорақалпоқ, қирғиз ва тожик тилларида ёзилган хабарларни ҳам ўз ичига олди. Сайлов кампаниялари давомида миллий озчилик вакилларига нисбатан салбий фикр ва камситиш ҳолатлари ҳақида хабар келиб тушмади ва кузатилмади.

Сайлов кодексида сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссияси қарорига биноан тегишли сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилиши шартлиги белгиланган. МСК маълумотларига кўра, сайлов бюллетенларининг 94,6 фоизи ўзбек (лотин ва Кирилл алифбосида) ва Қорақалпоғистоннинг айрим туманларида (2,5 фоиз) ва рус тилида (2,9 фоиз) чоп этилди. Сайлов комиссиялари аҳолиси таркибида этник озчилик вакиллари кўпроқ бўлган сайлов округларида бошқа тилларда сайлов бюллетенларини талаб қилмади⁶⁵. ДИИХБ СКМнинг оммавий ахборот воситалари мониторинги шуни кўрсатдики, “Мен овоз бердим. Сиз-чи?” кампанияси тўққиз тилда ўтказилди.

⁶³ Номзодлар ва ишончли вакилларни рўйхатга олишни ҳам ўз ичига олади. Қолганларнинг сайловга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

⁶⁴ Охирги расмий рўйхатга олиш 1989 йилда ўтказилган. 2020 йил ноябрда ўтказилиши режалаштирилган аҳолини янгидан рўйхатга олиш COVID-19 пандемияси туфайли бекор қилинди. Бу тадбир 2023 йилгача ўтказилиши белгиланди.

⁶⁵ Масалан, тожик тили Бухоро ва Самарқанд вилоятларида оммалашган.

Фуқаролар ва халқаро кузатувчилар

Сайлов кодексида партиянинг ишончли вакиллари, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳалла кўмиталари аъзолари сайловни кузатишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Халқаро стандартлардан фарқли ўлароқ, фуқаролик жамиятлари томонидан сайловларнинг фуқаролик кузатуви таъминланмаган, бу эса сайлов жараёнининг шаффофлиги ва жамоатчилик назорати остида бўлишини чеклайди⁶⁶. МСК 966 нафар халқаро кузатувчи ва 1672⁶⁷ журналистни аккредитациядан ўтказди.

Сайлов куни

Муддатидан олдин овоз бериш 14 октябрдан 20 октябргача ташкил этилди ва унда унчалик кўп сайловчилар иштирок этмадилар⁶⁸. Сайлов тинч ва тартибли ўтказилиб, МСК кун давомида матбуот анжуманлари ўтказиш орқали сайлов жараёнлари ҳақида мунтазам хабар бериб турди ва бу сайловларнинг шаффоф ўтказилишига ўз хиссасини қўшди. УСК аъзоларининг деярли ярми хотин-қизларни ташкил этди ва мониторинг қилинган сайлов участкаларининг 38% ида аёллар раҳбарлик қилди. Ташриф буюрилган сайлов участкаларининг 80 фоизида ногиронлар мустақил ҳаракатланишлари учун шароитлар яратилганлиги ва COVID-19 пандемияси тартиб-қоидаларига риоя қилинганлиги эса, диққатга сазовор. Овоз бериш жараёнлари тугаганидан кўп ўтмай МСК жами сайловчиларнинг 80,8% қисми сайловларда иштирок этганлигини эълон қилди.

Сайловни кузатувчилар халқаро миссияси (СКХМ) 128 та сайлов участкаларидаги очилиш маросимларини кузатишга муваффақ бўлди. Сайлов участкалари ўз вақтида, баъзилари эса бироз кечикиб очилди ва ташриф буюрилган сайлов участкалари бўйича умумий очилиш жараёнлари ижобий баҳоланди. Шунга қарамай, мониторинг қилинган сайлов участкалари кўп ҳолларда дастлабки рўйхатга олинган сайловчилар сони ҳақида маълумотни тақдим қилмади (18 та сайлов участкасида) ёки берилган овозлар сони ҳақида ахборот бермади (26 та сайлов участкасида).

СКХМ 1267 та сайлов участкасидаги овоз бериш жараёнини кузатиб борди. Сайловчиларнинг кўп қисми, асосан куннинг биринчи ярмида овоз бериш учун келдилар. Сайлов участкаларида навбатга туриш тартиби самарали йўлга қўйилмаганлиги ва COVID-19 пандемияси тартиб-қоидалари сабабли, кўп ҳолларда одамлар гавжумлашиб кетиш ҳолатлари кузатилди⁶⁹. СКХМ кузатувчиларининг фикрича, жойлардаги сайлов участкаларининг 5 фоизида сайловчилар овоз беришга мажбуран олиб келинган. Сайлов участкаларида овоз бериш ва унинг яширин бўлиши учун яратилган шароитлар умуман олганда яхши баҳоланди. Шунга қарамай, яширин овоз бериш тартиби бузилган ҳолатлар ҳам кузатилди. Хусусан, мониторинг қилинган сайлов участкаларининг 5 фоизида кишилар сайлов бериш кабиналарига бирга кирганликлари, 3 фоизида эса, ўзи овоз берган номзодни бошқаларга кўрсатган сайловчилар кўзга ташланганини айтиб ўтиш мумкин.

⁶⁶ Копенгаген ҳужжатининг 8-банди; [ФСХХП га 25-яқунловчи изоҳларнинг](#) 20-бандида шундай дейилган: “Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёни мустақил кўриб чиқилиши керак”. Бу яқинда 2018 йилги [БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзо мамлакатлар учун](#) жамоат ишларида иштирок этиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш бўйича кўрсатмаларининг 44-бандида яна бир бор тасдиқланганидек.

⁶⁷ ДИИХБ СКМга хабар берилишича, иккита хорижий ОАВга сайловларга аккредитация ўз вақтида берилмаган ва битта ҳолатда бир хорижий оммавий ахборот воситаси Ўзбекистонда узок муддатли аккредитация сўраб қилган мурожаатига жавоб олмаган.

⁶⁸ МСК берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда жами 301 094 киши, хориждаги элчихоналарда эса 120 524 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз берган.

⁶⁹ Кун давомида мониторинг қилинган сайлов участкаларининг қарийб 7 фоизида сайловчиларнинг гавжумлашиб кетиш ҳолатлари кузатилган, тушдан кейин эса бу ҳолатлар бироз камайган.

Мониторинг қилинган сайлов участкаларининг деярли барчасида партия вакиллари ва маҳалла қўмиталарининг аккредитациядан ўтган вакиллари иштирок этганини айтиш мумкин. Шунингдек, кузатувчилар ташриф буюрилган сайлов участкаларининг 11 фоизда рухсат берилмаган кишилар борлигини ҳам қайд қилишган. СКХМ кузатувчилари 25 та ҳолатда партия вакиллари, маҳалла қўмиталари вакиллари ва бошқа рухсат этилмаган шахсларнинг овоз бериш жараёнига аралашганликларини қайд этишган.

Сайлов куни кузатувчилар ўзлари ташриф буюрган сайлов участкаларининг 11 фоиздаги сайлов жараёнларини овоз бериш жараёнига бевосита таъсир қилган процессуал қоидабузарликлар сабабли салбий баҳоладилар. Сайловчиларнинг шахсини тасдиқлаш тартибига тўлиқ амал қилинмади, масалан, 6 фоиз ҳолларда сайлов участкалари ходимлари сайловчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текширмадилар. Кўплаб мониторинг қилинган сайлов участкаларида, сайловчиларнинг кўп марта овоз беришининг олдини оловчи компьютерлаштирилган СЯЭР тизимида текширмасдан, сайловчиларни қўшимча сайловчилар рўйхатига қўшиб қўйиш ҳолатлари кузатилди. Кўплаб сайлов участкаларида бундай қўшимча рўйхатлардаги сайловчилар сони юзлаб нафарни ташкил қилган. Мониторинг ўтказилган сайлов участкаларида овоз бериш жараёнида бир қанча қоидабузарликлар аниқланган, хусусан, уларнинг 17 фоиздаги сайловчилар рўйхатида бир-бирига жуда ўхшаш имзолар борлиги, 4 фоизда сайлов қутиларига бир сайловчи томонидан бир нечта бюллетенлар ташлангани, 6 фоизда ишончли вакиллар томонидан овоз берилганлиги, 5 фоизда кўпчилик бўлиб овоз берилганлиги ва 5 фоизда ҳақсини тасдиқловчи ҳужжатлар нотўғри бўлган ҳолда овоз берганликлари аниқланган.

СКХМ кузатувчиларининг хабар беришича, қуйи даражадаги сайлов комиссияларида ёки судларда Ички ишлар вазирлиги ёки Бош прокуратурага сайлов кунидаги қоидабузарликлар бўйича бирорта ҳам шикоят келиб тушмаган.

Сайлов кунининг ёпилиши ва овозларни санаш жараёнлари СКХМ кузатувчилари ташриф буюрган 105 та сайлов участкаларининг 33 тасида салбий баҳоланган. Уларда, асосан, процессуал хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Овозларни санаш пайтида 15 та сайлов участкаларида рухсат этилмаган шахслар борлиги қайд қилинган. Кўп ҳолларда сайлов қутиси очилгунга қадар қилиниши керак бўлган тартиблар кетма-кетлигига риоя қилинмаган⁷⁰. Сайлов қутилари очилганидан сўнг СКХМ кузатувчилари бир нечта бюллетенлар биргаликда қутига солинганлигини, жумладан, 20 та ҳолатда бюллетенлар биргаликда буклаб солинганлигига гувоҳ бўлдилар. Сайлов участкаларининг кўпчилигида бюллетенлар сонини солиштириш жараёнларига амал қилинмади; 41 та ҳолатда норозилик мазмунида тўлдирилган бюллетенлар сайлов участкаси томонидан ҳисобга олинмади ва 20 та ҳолатда бюллетенлар сони сайловчилар рўйхатидаги имзолар сонига мос келмади. Шунингдек, УСКларда сайлов баённомаларини тўлдиришда ҳам қийинчиликларга (20 та ҳолат), сонлар ўзаро номувофик бўлган вазиятларга дуч келинди. Аксарият УСКлар СКХМ кузатувчилари билан сайлов жараёнларида билан тўлиқ ҳамкорлик қилдилар.

Мониторинг қилинган 14 та сайлов участкасининг 6 тасида якуний натижаларни қайд қилиш жараёни ёмон ёки ўта ёмон баҳоланган. Уларнинг аксариятида ташкилий жараёнлар яхши йўлга қўйилмаган, шаффофлик жараёни рисоладагидек бўлмаган ва буларнинг оқибатида

⁷⁰ Масалан, 24 ҳолатда жами олинган бюллетенлар сони аниқ кўрсатилмаган, 20 та ҳолатда ишлатилмаган ёки хатога йўл қўйилган бюллетенлар саналмаган ва 20 та ҳолатда улар бекор қилинмаган, шунингдек, 32 та ҳолатда жами чоп қилинган бюллетенлар сони кўрсатилмаган.

сайлов участкаларида одамлар гавжумлашуви ёки бесаранжомлик юзага келган⁷¹. СКХМ кузатувчиларининг қайд қилишича, бази УСК сайлов баённомаларини ОСК бинolariда тўлдираётганлиги ёки ОСКнинг тегишли қарорларисиз уларга тузатишлар киритаётганликларини қайд қилганлар. СКХМ кузатувчиларининг хабар беришича, улар 14 та ОСКдан 3 тасида аъзолар сайлов процессуал жараёнлари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасликлари ёки муайян чекловларсиз тегишли тартибларга риоя қилмаганлар. МСК бўлиб ўтган сайловлардаги шаффофликка салбиқ таъсир қилган дастлабки хулосаларини эълон қилмади.

*Ушбу ҳужжатнинг фақат инглиз тилидаги нусхаси расмий ҳужжат ҳисобланади.
Ҳужжатнинг норасмий таржималари билан ўзбек ва рус тилларида танишиши
мумкин.*

⁷¹ Масалан, кўп жадваллардаги арифметик хатоларга йўл қўйилиши сабабли, Тошкент шаҳридаги УСКда узундан-узун навбатлар ёки бетартиб ҳаракатлар юзага келишига сабаб бўлган.

МИССИЯ АХБОРОТИ ВА МИННАТДОРЧИЛИК СЎЗЛАРИ

Тошкент шаҳри, 2021 йил, 25 октябрь – Дастлабки хулосалар ва натижалар тўғрисидаги мазкур баёнот Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ), ЕХХТ Парламент Ассамблеяси (ЕХХТ ПА) ва Европа Парламентининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Мазкур баҳолаш сайловлар ЕХХТ мажбуриятлари ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва демократик сайловлар стандартларига, шунингдек, миллий қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилди. Сайловни кузатувчилар халқаро миссияда иштирок этаётган ҳар бир институт 2005 йилдаги Халқаро сайловларни кузатиш тамойиллари декларациясини маъқуллаган.

Жаноб Райнхолд Лопатка (Reinhold Lopatka) ЕХХТнинг амалдаги раҳбари томонидан махсус координатор ва ЕХХТнинг қисқа муддатли кузатувчилар миссияси раҳбари этиб тайинланди. Даниэла де Риддер (Daniela De Ridder) хоним ЕХХТ ПА делегациясига, Хейди Хаутала (Heidi Hautala) хоним эса Европа Парламенти (АП) делегациясига раҳбарлик қилди. Жаноб Оуэн Мёрфи (Eoghan Murphy) – 15 сентябрдан буён фаолиятини бошлаган ДТИХБ СКМга раҳбарлик қилди.

Дастлабки хулосалар ва натижалар тўғрисидаги мазкур баёнот сайлов жараёни тугашидан олдин тақдим этилади. Сайлов бўйича якуний баҳолаш эса, қисман, овозларни санаш, натижаларни якуний ясаш, натижаларни эълон қилиш, сайлов кунидан кейин юзага келиши мумкин бўлган шикоятлар ёки мурожаатларни кўриб чиқиш, ва сайловнинг эҳтимолий иккинчи тури каби сайлов жараёнининг қолган босқичларига боғлиқ бўлади. Сайлов жараёни тугаганидан тахминан саккиз ҳафта ўтгач, ДИИХБ эҳтимолий такомиллаштириш бўйича тавсияларни ўз ичига олган тўлиқ якуний ҳисоботни эълон қилади. ЕХХТ ПА ўз ҳисоботини кейинги йиғилишида тақдим этади. ЕП эса, ўз ҳисоботини ноябрь ойининг иккинчи ярмида – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Монголия билан ҳамкорлик бўйича делегация мажлисида эълон қилади.

ДИИХБ СКМ таркибида мамлакат пойтахтида фаолият олиб бораётган 17 нафар мутахассис ва бутун мамлакат бўйлаб фаолият юритувчи 28 нафар узоқ муддатли кузатувчи бор. Сайлов кунини 44 мамлакатдан 365 кузатувчи, жумладан ДИИХБ томонидан юборилган 28 нафар узоқ ва қисқа муддатли кузатувчи, шунингдек, ЕХХТ ПА делегациясининг 98 нафар аъзоси, Европа Парламенти делегациясининг 12 аъзоси сайловга сафарбар қилинди. Кузатувчиларнинг 42 фоизи хотин-қизлардан иборат. Сайловларнинг очилиши бутун мамлакат бўйлаб 128 та сайлов участкасида, овоз бериш 1267 та сайлов участкасида кузатиб борилди. Овозларни санаб чиқиш эса, 105 та сайлов участкасида, якуний натижаларни қайд этиш эса, 14 округ сайлов комиссияларида кузатилди.

Сайловни кузатувчилар халқаро миссияси (СКХМ) мамлакат ҳукуматига сайловни кузатиш учун таклиф қилгани учун, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ва Ташқи ишлар вазирлигига кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик билдиради. СКХМ, шунингдек, бошқа давлат идоралари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда халқаро ҳамжамият вакилларига ҳамкорлик учун ўз ташаккурини айтиб қолади.

Батафсил маълумот учун боғланиш маълумотлари:

• Оуэн Мёрфи (Eoghan Murphy), ДИИХБ СКМ раҳбари, Тошкентдаги телефон рақами (+998 90 814 13 29);

- Катя Андруш (Katya Andrusz), ДИИХБ матбуот котиби (+48 609 522 266) ёки Мартина Баркер-Циганикова (Martina Barker-Ciganikova), ДИИХБнинг сайловлар бўйича маслаҳатчиси, Варшавадаги телефон рақами (+48 695 654 060);
- Андреас Бейкер (Andreas Baker), ЕХХТ ПА Сайловлар бўйича директори (+45 601 08 126)
- Кристина Кастаньоли (Cristina Castagnoli), Европа Парламенти Сайловларни кузатиш бошқармаси бошлиғи (+32470880872)

ДИИХБ СКМ манзили:

Grand Mir Hotel меҳмонхонаси, 5-қават

100031, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 2-уй.

Телефон: 4998712563023

Email: office@odihr.uz

Веб-сайт: <https://www.osce.org/odihr/elections/uzbekistan/493351>.